

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tib 30.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЗИЗОВА ДИЛЗОДА МАРАТОВНА

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АТЕРОСКЛЕРОЗ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИГА БИОМАЙСАНИНГ ТАЪСИРИ**

03.00.01 – Биокимё

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD)

Азизова Дилзода Маратовна

Экспериментал атеросклероз ривожланишининг молекуляр
механизмларига Биомайсанинг таъсири 3

Азизова Дилзода Маратовна

Влияние Биомайса на молекулярные механизмы развития
экспериментального атеросклероза 23

Azizova Dilzoda Maratovna

Effect of Biomaysa on molecular mechanisms of development of
experimental atherosclerosis 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tib 30.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЗИЗОВА ДИЛЗОДА МАРАТОВНА

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АТЕРОСКЛЕРОЗ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИГА БИОМАЙСАНИНГ ТАЪСИРИ**

03.00.01 – Биокимё

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.2.PhD/Tib603 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сабирова Рихси Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Носир Мухамеджанович
биология фанлари доктори, профессор

Ишигов Ибрагим Агаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозғоғистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув биносининг мажлислар зали. Тел/факс (+998971) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№ ___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс (+998978) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Д.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги Бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Атеросклероз - липидлар алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқувчи йирик ҳамда ўрта калибрли артериялар интимасида холестериннинг тўпланиб қолиши ва унга жавобан томирлар интимасида бириктирувчи тўқималар реактив пролиферацияси юз берадиган сурункали касалликдир. Дунёда юрак қон томир касалликлари (ЮҚТК), асосан юрак инфаркти касаллиги (ЮИК), энг кўп тарқалганлиги билан ажралиб туради. «...ўлим сабабларининг 50%дан кўпроқ улуши айнан ЮИК тўғри келади. Энг ачинарлиси, аҳолининг ёш ва меҳнатга лаёқатли қатламининг ЮИК кассаланиш даражаси ва ўлим кўрсаткичлари сезиларли даражада ошиб бормоқда...»¹. Шу сабабдан, ЮИКнинг олдини олишга ва даволашга қаратилган чора - тадбирлар ишлаб чиқиш давлат аҳамиятига эгадир. Атеросклерознинг профилактикаси, клиник олди ташхислаш ва даволашнинг юқори самарали усуллари ишлаб чиқиш, ҳозирга қадар долзарб ҳамда мураккаб илмий ва тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Гиперхолестеринемияни глобал ноинфекцион эпидемияга айланиб бораётгани яққол намоён бўлмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда юрак қон томир тизими касалликларини даволашда биологик фаол қўшимчаларнинг биокимёвий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш бугунги кундаги ечими топилиши лозим бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда экспериментал гиперхолестеринемия ривожланишининг молекуляр механизмларига биологик фаол моддалар таъсири самарадорлигини тадқиқ этишга қаратилган қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, афсуски, ушбу жараённинг кўплаб аспекти тўлиғича очиб берилмаган. Бу борада тажрибавий атеросклероз ривожланиши динамикасида липид алмашинуви кўрсаткичларининг ўзгариши ва бу кўрсаткичларга Биомайсанинг таъсирини баҳолаш; тажрибавий атеросклероз ривожланишининг динамикасида апопротеин В миқдорининг ўзгариши ва Биомайсанинг унинг миқдorigа таъсирини баҳолаш; тажрибавий атеросклерозда қоннинг ёғ кислоталари таркиби ўзгариши ва уларга Биомайсанинг таъсирини баҳолаш; тажрибавий атеросклероз ривожланиши динамикасида ва Биомайса билан коррекциялаш жигарнинг морфоструктуравий ўзгаришлари механизмини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари асосида ривожлантириш, турли соматик касалликлар даражасини тарқалишини камайтиришда «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мувофиқ «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек,

¹ Оганов Р.Г. Профилактика сердечно-сосудистых заболеваний врача общей практики. Кардиология Узбекистана 2006;(1):17-20

тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида қон томир тизими касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш ҳисобида атеросклероз касалликлари ва ногиронлик даражасини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда атеросклероз ривожланишига турли дори воситалари таъсирининг молекуляр-хужайравий механизмининг ўрганишга бағишланган замонавий тадқиқотлар танланган муаммонинг кўп қирралилигини, уни даволашда қўлланиладиган дори воситасиларининг кўплиги ва ушбу касалликнинг мураккаб патогенези туфайли уларнинг етарлича самара бермаётганлиги билан боғлиқлигини кўрсатди. Шу сабабли ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилган дори воситаларининг, хусусан, буғдой уними асосида тайёрланган биологик фаол қўшимчаларнинг (БФҚ) патогенетик ва молекуляр таъсир механизмлари етарлича ўрганилмаган (Родионова Н. С., 2013; Шпагина Л. А., 2008; Оганов Р. Г., 2009). Хориж олимларининг тадқиқотлари натижаларига кўра, тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталарнинг қондаги миқдори ва апополипротеинлардаги нисбати уларнинг антиатероген хусусиятига таъсир кўрсатади. Тўйинган ёғ кислоталари миқдори ошса, ЗПЛПнинг қонда ярим яшаш даври узаяди ва бу, ўз навбатида, уларни оксидланиш ва гликозириллинишига олиб келади, улар томирларда тўпланади ва атеросклероз

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ривожланишига сабаб бўлади (Berger S., Raman G. et al. (2015), Calder P.C., (2009), Teramoto T.,(2013)).

Атеросклерозни даволашнинг замонавий стратегияси қисқа муддатларда холестерин ва липид алмашинув кўрсаткичларини оптимал даражага етказишга йўналтирилган. Чунки липидлар ва холестериннинг юқори концентрацияси макро ва микроангиопатияларга олиб келиши, шунингдек, молекуляр механизмлари кам ўрганилган (Титов В.Н., 2013), аполипопротеин рецепторларига шикастловчи таъсир кўрсатади. IAS томонидан 2014 йилда нашр қилинган «Дислипидемияни даволаш бўйича умумий тавсиялар» да зичлиги паст липопротеинлар холестеринининг (ЗПЛП ХС) оптимал миқдори, экспертларнинг турли гуруҳлари ўз қўлланмаларида, холестерин концентрациясини хавф категорияларига мувофиқ мақсадли кўрсаткичлари ўрнатилганлиги таъкидланади. Бирламчи профилактика учун АТР III (НСЕР 2002) кам хавфли шахслар учун ЗПЛП ХС кўрсаткичини 160 мг/дл (4,1 ммоль/л)дан камроқ, ўртача хавфли шахсларга 130 мг/дл (3,4 ммоль/л) дан камроқ, юқори хавфли шахсларга 100 мг/дл (2,6 ммоль/л)дан камроқ миқдорда белгиланган. Турли давлатларда бу кўрсаткичлар фарқ қилиши мумкин, популяцион хавф камроқ бўлган Япония аҳолиси учун миллий кўрсатмалар зичлиги паст липопротеиннинг концентрацияси мақсадли кўрсаткичларини 160 мг/дл дан камроқ (кам хавф), 140 мг/дл дан камроқ (ўртача ва ўртача-юқори хавф) ва 120 мг/дл дан камроқ (юқори хавф) миқдорда ўрнатилган (Teramoto T. et al., 2013, Teramoto T. et al., 2012).

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларининг озиқавий ва биологик қиймати, уларнинг касалликларни даволашда самарадорлиги исботланган (Шайхова Г.И., 1993, 1999, 2004, 2017, 2018; Саломова Ф.И., 2004, Азизова Ф.Л, 2004, 2006; Эрматов Н.Ж., 1999, 2004, 2016, 2018, 2019; Б.Б.Рахимов, 2015, 2018; Алимухамедов Д.Ш., 2017, 2018), бироқ, Биомайсани экспериментал атеросклерозга таъсири ўрганилмаган.

Юқорида баён қилинганларга кўра атеросклерозни даволаш учун ўсимликлардан тайёрланган маҳаллий дори воситаларининг таъсир қилиш механизмини молекуляр-хужайравий комплекс тадқиқ қилиш амалий тиббиёт учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.1800232 «Айрим патологик ҳолатларнинг ривожланишини молекуляр-хужайравий механизмлари ва уларни коррекциялаш» (2019-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажрибавий атеросклероз ривожланиши молекуляр механизмларига биологик фаол қўшимча Биомайса таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тажрибавий атеросклероз ривожланиши динамикасида липид алмашинуви кўрсаткичларининг ўзгариши ва бу кўрсаткичларга Биомайсанинг таъсирини баҳолаш;

тажрибавий атеросклероз ривожланишининг динамикасида апопротеин В миқдорининг ўзгариши ва Биомайсанинг уни миқдорига таъсирини баҳолаш;

тажрибавий атеросклерозда қоннинг ёғ кислотаси таркиби ўзгаришини ва уларга Биомайсанинг таъсирини баҳолаш;

тажрибавий атеросклероз ривожланиши динамикасида ва Биомайса билан коррекциялашда жигарнинг морфоструктуравий ўзгаришларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шиншилла зотиға мансуб вазни 2400-3000 грамм бўлган 60 та тажрибавий гиперхолестеринемияли куёнлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида эскпериментал гиперхолестеринемиянинг ривожланишининг молекуляр механизмларига Биомайсанинг таъсирини баҳолаш учун тажрибавий гиперхолестеринемияли куёнларнинг биокимёвий тадқиқотлар учун қон зардобини олинган, морфологик тадқиқотлар учун жигар бўлакчалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда биокимёвий, физиологик (патологияни моделлаш), морфологик ҳамда статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишида липопротеинлар холестерини ва атороген аполипопротеинлар миқдорини меъёрий даражаға пасайишиға Биомайсанинг коррекцияловчи таъсири исботланган;

тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишининг динамикасида қоннинг тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталарини таркибий ўзгаришиға Биомайсанинг таъсир механизми исботланган;

тажрибавий гиперхолестеринемия ва Биомайса билан коррекциялашда апопротеин В ва триглицеридлар миқдори орасидаги нисбатнинг ўзаро боғлиқлиги асосланган;

тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишида Биомайсанинг гепатопротекторлик таъсири морфологик исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Биомайсанинг тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишида биокимёвий ўзгаришларига таъсири комплекс баҳоланган;

тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишида апопротеин В миқдори ўзгаришининг липопротеинлардаги холестерин миқдорига боғлиқлиги баҳоланган;

олинган натижалар Биомайсани соғлиқни сақлаш амалиётиға атеросклерозни комплекс даволаш учун тавсия қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг

олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, биокимёвий, физиологик, морфологик ҳамда статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, шунингдек, тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишининг молекуляр механизмларига Биомайсанинг таъсирини баҳолашда янгича ёндашув тизими натижалари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишида апопротеин В ўрни ва липопротеидлар холестерини, ёғ кислота таркибининг ўзгариши ва бу жараёнларга Биомайсани коррекцияловчи таъсирини аниқлашдан иборатлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти апопротеин В ва қон зардобда ёғ кислоталари миқдорини баҳолаш атеросклерозни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишининг механизмларига Биомайсанинг таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида: «Ёғ кислотлар миқдори ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда гиперлипидемияни коррекция қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 апрелдаги 8н-д/71-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма гиперлипидемияда ёғ кислоталари миқдори ўзгаришининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда касалликни диагностика қилиш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берганлиги билан изоҳланади;

экспериментал атеросклероз ривожланишининг молекуляр механизмларига Биомайсанинг таъсири бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институтининг марказий илмий тадқиқот лабораторияси ва Тошкент фармацевтика институти амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 июндаги 8н-з/115-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши атеросклероз билан хасталанган беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга, даволаш усулларини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Атеросклероз ривожланишининг замонавий тушунчалари»** деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётлардаги мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган ва атеросклерознинг ривожланиш механизмлари ва уни даволаш тамойиллари ёритилган, тадқиқотлар тизимлаштирилган, бу муаммонинг очилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Гиперхолестеринемия ривожланишининг молекуляр механизмлари ва уни коррекциялашнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган материаллар ва усуллар, тажриба материалларининг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган.

Тажриба материалларининг тавсифи. Тажрибалар вазни 2500-3000 грамм бўлган Шиншилла зотли 60 та эркак қуёнларда ўтказилиб, тажриба мақсади ва даволаш усулларига кўра улар, 5 та гуруҳга бўлинган (ҳар бирида 12 та қуён): 1 чи (назорат) гуруҳ – интакт қуёнлар; 2 чиси – моделлаштирилган тажрибавий гиперхолестеринемияли хайвонлар; 3 чиси – тажрибавий гиперхолестеринемияли статин билан коррекцияланган; 4 чиси – тажрибавий гиперхолестеринемияли Биомайса билан коррекциялаш; 5 чиси – тажрибавий гиперхолестеринемияни статин ва Биомайса билан коррекциялаш. Тажрибавий гиперхолестеринемия модели 2 ой давомида ҳар куни қуёнлар ошқозонига тана вазнининг 1 кг ига 0,2 гр холестерин юборилиб шаклланди (Аничков Н.Н., Халатов С.С., 1913). Тажриба хайвонлар холестерин юборилгандан 2 ойдан сўнг даволанди. Статин сифатида ультроксдан (Nobel Pharm) фойдаланиб, 30 кун давомида 0,6 мг/кг миқдорда, Биомайса – 30 кун давомида 142 мг/кг миқдорда юборилди. Биомайса буғдой ўсимтаси бўлиб, “ORION-SKORPION” МЧЖ фирмаси томонидан тақдим этилган. Текширилган препаратлар ошқозонга атравматик зонд ёрдамида ҳар куни эрталаб ва кечки пайтда қуён вазнига мос миқдорда юборилди. Тадқиқот объекти сифатида қон зардоби олинди.

Тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланилган умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш Европа конвенциясига» мувофиқ ўтказилди (Страсбург, 1986).

Тажрибавий атеросклероз ривожланиш динамикаси ва уни коррекциялашда (ҳар 20 кунда) қон зардобиди липид алмашинуви кўрсаткичлари (умумий холестерин (УХС), зичлиги жуда паст липопротеин (ЗЖПЛП), зичлиги паст липопротеин (ЗПЛП), зичлиги юқори липопротеинлар (ЗЮЛП) холестерини, триглицеридлар) “Humen” фирмаси биолатестлари ёрдамида Кардиология илмий-амалий марказида аниқланди ва атерогенлик коэффициенти (КА) ҳисобланди.

Апо В миқдори биокимёвий автоматлаштирилган Architect C8000 (Abbott, АҚШ) анализаторида иммунотурбидиметрия усули билан баҳоланди.

Қон зардобининг ёғ кислота таркиби Олимпия қўмитаси қошидаги Республика илмий-амалий марказининг илмий лабораториясида газ хроматографли учталиқ квадруполли хромато-масспектрометрда (IX-MC/MC) TRACE 1310TSQ 8000 ва CTC Triplus RSH фирмаси Thermofisher Scientific (АҚШ) роботлаштирилган автосэмплерда аниқланди.

Ўсимлик маҳсулоти бўлган Биомайса препарати ва статин ультроксни таққослаш мақсадида Республика патологик анатомия марказида профессор Р.И.Исраилов раҳбарлигида жигарнинг морфологик тадқиқотлари ўтказилди. Гистологик кесимлар микротомда 5-8 мкм қалинликда тайёрланди ва гематоксилин ва эозин ҳамда Ван-Гизон билан бўялди. Кесмалар ёруғлик микроскопида ўрганилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш «Statistica for Windows 7.0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди, хатолик эҳтимоллиги (p) ҳисобланди, статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида $p < 0,05$ ишончлилик даражаси олинди.

Диссертациянинг **«Тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишида липид алмашинув кўрсаткичларининг ўзгариши»** деб номланган учинчи бобида тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланиши динамикасида қон зардобиди липид алмашинув кўрсаткичларининг ўзгариши ва жигарнинг морфологик ўзгаришлари кўриб чиқилди.

Интакт ҳайвонлар қон зардобиди умумий холестерин миқдори $71,8 \pm 0,78$ мг/дл бўлди. Қуёнлар организмига холестерин киритилганининг 20 - кунда умумий холестерин миқдори интакт ҳайвонларга нисбатан 2,45 марта ошганлиги аниқланди. Тажрибанинг кейинги муддатларида (40-, 60-, 70-, 80- ва 90- кунлар) умумий холестерин миқдори интакт ҳайвонларга нисбатан 3,2; 4,1; 4,2; 4,3 ва 4,4 мартага ишончли ортди. Бу маълумотлар тажриба ҳайвонларда гиперхолестеринемиянинг мўътадил ривожланганлигини кўрсатади.

Интакт ҳайвонларда ЗЮЛ ХСнинг ўртача миқдори $26,7 \pm 0,98$ мг/дл бўлди. Гиперхолестеринемиянинг ривожланиш динамикасида қонда ЗЮЛП ХС миқдори камайди. Тажрибанинг 20-, 40-, 60-, 70-чи кунларида унинг миқдори интакт ҳайвонларга нисбатан 21,35, 22,4, 33,4, 39,3%га камайди.

Тажрибанинг 80- ва 90- кунларида ЗЮЛП ХС миқдорининг яққол пасайиши кузатилди. Тадқиқотнинг бу муддатларида улар интакт хайвонларга нисбатан 2,0 ва 2,3 марта пасайди.

Тажрибанинг барча муддатларида интакт хайвонларга нисбатан ЗЖПЛП ХС миқдорининг кўпайиши кузатилди. 20-, 40- ва 60- кунларда унинг ошиши интакт хайвонларга нисбатан 1,87 дан 2,4 мартагача бўлди. Хайвонларни 80 ва 90 - кун давомида холестерин билан боқиш ЗЖПЛП ХС миқдорининг яққол ошишига олиб келди, бу ошиш интакт хайвонларга нисбатан 5,2 ва 5,5 марта бўлди.

Тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишининг барча муддатларида ЗПЛП ХС миқдорининг кескин ошиши аниқланди. Тадқиқотнинг 20 кунда унинг миқдори интакт гуруҳга нисбатан 3,6 мартага ошди. Гиперхолестеринемия ривожланишининг 40-кундан 90 кунгача унинг миқдори интакт хайвонларга нисбатан динамик равишда 5 дан 8,9 мартагача ошди.

Шундай қилиб, гиперхолестеринемиянинг ривожланиш даражасига қараб, ЗЮЛП холестериннинг боғланиши камаяди. ЗЮЛП ХСнинг энг кўп камайиши гиперхолестеринемия ривожланишининг 80-, 90-кунларига тўғри келди. ЗЖПЛП ва ЗПЛПдаги ХС миқдори куёнлар организмига холестерин киритилган дастлабки кунларда кўтарилиб борди. Олинган маълумотлар адабиётлардаги маълумотларга мос келади.

Гиперхолестеринемия ривожланишининг 20- ва 40- кунларида триглицеридлар миқдори интакт хайвонларга нисбатан 1,8 ва 2,3 марта ошди ($27,3 \pm 0,69$ ва $34 \pm 0,6$ мг/дл, назоратда эса $14,6 \pm 0,6$; $p < 0,05$). Тажрибанинг 70-кундан бошлаб, қон зардобида триацилглицеридлар миқдори кескин ошди ва тажрибанинг 70, 80, 90 - кунларига нисбатан тегишли равишда $46,1 \pm 0,7$; $76,5 \pm 0,55$ ва $80,5 \pm 1,18$ мг/дл ни ташкил этди. Гиперхолестеринемия ривожланишининг 20 - кундан бошлаб, атерогенлик коэффиценти (АК) интакт хайвонларга нисбатан 5,3 мартага ошди. АКнинг энг кўп ошиши тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишининг 80- ва 90- кунига тўғри келди ва бу ошиш назорат гуруҳига нисбатан 16,5 ва 18,9 мартани ташкил этди.

Шундай қилиб, тажрибавий гиперхолестеринемия холестерин транспортининг бузилиши, томирлар деворига липопроteidларнинг назоратсиз кириши, ЗПЛП молекуласидан холестерин ажралиб чиқиши ва томир мембранаси хужайрасидан чиқарилишининг бузилиши билан кечади, жигарда холестерин сарифланишининг кечикиши атеросклероз пайдо бўлишига олиб келади.

Тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишининг 20-кунда Апо В миқдори интакт хайвонларга қиёслаганда 1,5 марта ошди. Тажрибанинг 40 - кунда Апо В миқдори тажрибанинг 20-кунига нисбатан 6,8 %га ишончли камайиши қайд этилди, тажриба ривожланишининг 40-кундан 80-чи кунгача Апо В миқдори интакт хайвонларга нисбатан 1,76, 2,1 ва 2,4 марта

ошди. Тажрибавий гиперхолестеринемия 90-кунида унинг миқдори тажрибанинг 80-кунига нисбатан пасайиши аниқланди.


Шундай қилиб, тажрибавий гиперхолестеринемиянинг барча муддатларида, 40- ва 90-кунлардан ташқари, Апо В миқдорининг динамик ортиши содир бўлди. Апо В фракциясининг ортиши Апо В-100-рецептор эндоцитози ва хужайраларга ЗЖПЛП ютилишининг кескин пасайишини кўрсатади (Zheng C. et al., 2010) ва гипертриглицеридемияни шакллантиради.

Липопротеин бўлакчаси таркибига фақат битта молекула аполипопротеин В киришини ҳисобга олиб, липопротеин бўлакчаларини триглицеридлар билан тўйиниш даражасини кўрсаткичи сифатида ТГни Апо Вга нисбати ҳисобланди.

Интакт хайвонларда ТГ/Апо В нисбати 0,18ни ташкил этди. Хайвонлар организмига холестерин киритилганининг 20- чи кундан бошлаб, бу нисбат ишончли равишда ошиб борди. Тадқиқотнинг 20, 40 ва 60-чи кунларида унинг ошиши интакт хайвонларга нисбатан 27,7, 66,6 ва 50%ни ташкил этди. Энг кўп ошиш тадқиқотнинг якуни 80- ва 90- кунларида кузатилиб, интакт хайвонларга нисбатан 2,1 ва 2,5 марта бўлди.

Шундай қилиб, липопротеинларнинг триглицеридлар билан тўйиниши тажриба муддатига боғлиқ, липопротеинларнинг триглицеридлар билан энг кўп тўйиниши, тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишининг 80- ва 90-кунларига тўғри келиши аниқланди.

Тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланиши натижасида қуёнларнинг қон зардобидида ёғ кислоталарнинг таркиби сезиларли даражада ўзгарди.



1-расм. Гиперхолестеринемияли тажрибавий хайвонлар қон зардобидидаги ёғ кислоталар хроматограммаси

Гиперхолестеринемия ривожланган хайвонларда ёғ кислоталарнинг миқдори таҳлил қилинганда, тўйинган ёғ кислоталардан (пальмитин, пальмитоолеин, стеарин ва олеин) назорат гуруҳига нисбатан 56,3, 91,6, 44,7 ва 50,6% га ошди (1-расмга қаранг). Лекин кўп тўйинмаган ёғ кислота (линолен) назорат гуруҳидаги қуёнларга нисбатан 20%га камайди.

Ўтказилган морфологик тадқиқотлар хайвонларнинг тажрибавий гиперхолестеринемия гуруҳида 90-кунга келиб, жигарда дистрофик жараёнлар яққол кўзга ташланди. Барча препаратларда паренхиматоз ёғ дистрофияси манзараси аниқланди: гепатоцитлар ўлчамлари катталашган, шишган бўлиб кўринди, цитоплазмадаги кўплаб майда рангсиз вакуолалар унга ушбу тип дистрофияга хос бўлган вакуоляр кўриниш беради. Айрим ҳолларда ядро қийин ажратиладиган хроматин тузилишга эга бўлиб, бошқа ҳолларда мовий тусдаги ядролар сояси аниқланди. Хужайралар орасидаги чегаралар яққол кўринмади. Ёғлидан ташқари гидропик (баллонли) дистрофия кескин шишган, сийраклашган цитоплазмали ва оптик бўшлиқли гепатоцитлар ҳам аниқланди. Хужайралар контури аниқ ажратилган кариопикноз ва кариолизисли ядролар, асосан, марказда жойлашган. Кучсиз эозинофилли донали цитоплазма қолдиқлари ядролар атрофида ёки хужайра мембраналари бўйлаб жойлашган. Гидропик дистрофия бўлакнинг перипортал қисмларида учради. Тажрибанинг 90-кунида барча хайвонлар гепатоцитларининг таркибида турли диаметрли, аксарият майда, липид томчилари бўлади. Неутрал ёғ қўшимчалари яхши аниқланиб, улар, асосан, перинуклеар жойлашган, хужайралар цитоплазмаси ёғга реакция берувчи майда доналар бир текис “сепилган” кўринишда бўлади. Бунда ядро гепатоцит марказида жойлашган. Ёғнинг бу типдаги қайта тузилиши майда донали ёки чангли деб аталади. Жигар тўқимасининг кўплаб намуналарида дистрофик ўзгаришлар ядроларнинг кучсиз бўялиши, хужайра қисмининг бўлиниши каби белгилар ҳам мавжуд. Барча хайвонларда ёғ дистрофияси диффуз характерга эга бўлиб, перипортал зонасида кўпроқ намоён бўлган. Ёғ вакуолалари 1/3 гепатоцитларда аниқланди, бу эса стеатознинг биринчи даражасига мос келади. Тажрибанинг 90-кунидаёқ қуёнлар жигари тўқимасининг кўпроқ перипортал зонасида лимфоцитлар ва плазматик хужайралар тўплами кўринишидаги яллиғланиш, инфильтрация фокуслари пайдо бўлди. Бундай гистологик манзара минимал фаолликка эга сурункали гепатоцит учун ҳосилдир. Ушбу муддатларда жигар фибротизацияси белгилари аниқланмади. Аъзо гистоархитектоникаси нормал тузилишини сақлаб қолган. Синусоидларнинг кенгайиши эътиборни жалб қилди, буни сероз ўзгариш сифатида кўриш мумкин. Эритроцитлар кўпинча стаз ходисаси учун типик бўлган устунчалар ҳосил қилади.

Шундай қилиб, тажрибавий гиперхолестеринемия моделлаштирилгандан сўнг 90-кунда қуёнлар жигарида дистрофик ўзгаришлар аниқ кузатилди, жумладан, сероз оқими фонида минимал фаол сурункали гепатит белгилари бўлган оқсил–ёғ дистрофияси, хужайрада тўқима нафас олиш ва фосфорилланиш жараёнларининг бузилиши, тажрибанинг 90-кунида

жигардаги патологик жараёнда дистрофик жараёнларнинг кучайиши билан боғлиқ бўлган қатор ўзгаришлар содир бўлди. Ёғ дистрофияси белгилари сақланиб, кўпроқ даражада намоён бўлди. Гепатоцитлар цитоплазмаси кескин сийраклашган, беўхшов майдаланган, ядроларнинг гипохромияси аниқланган. Жигарнинг кўплаб намуналарида гидропик дистрофия аниқланган. Ҳужайралар цитоплазмаси шаффоф, яхши кўринадиган мембраналари ҳисобига гепатоцитларнинг ажралган контури характерлидир. Гепатоцитларнинг дистрофияси фонида цитоплазмаси нейтрал ёғ билан тўлиқ тўлдирилган ҳўжайралар аниқланди. Кўпчилик препаратларда минимал даражада фаол сурункали гепатит манзараси қайд этилди, бироқ тажрибанинг кўрсатилган муддатларида кўпроқ намоён бўлди. Қуёнлар жигари тўқимасида фиброз белгиларини излаш Ван-Гизон усули билан бўялган препаратларда бириктирувчи тўқиманинг ўсишини, строма қалинлашиши ҳисобига йирик портал трактлар кенгайишини, марказий венага қараган триадларда бирлаштирувчи тўқима иплари шаклланишини кўрсатди.

«Биомайсанинг тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишига таъсири» деб номланган тўртинчи бобда Биомайсанинг тажрибавий гиперхолестеринемия ривожланишида липид алмашинуви, ёғ кислоталар кўрсаткичлари ва жигар морфоструктурасига таъсири натижалари келтирилган.

Ультрокс ва Биомайса билан даволаш УХС миқдорини даволанмаган гуруҳга нисбатан 2,08 ва 1,49 марта ($P<0,05$) камайтирди. Ультрокс ва Биомайсани биргаликда киритиш УХС миқдорини кўпроқ камайтириб, даволанмаган гуруҳга нисбатан 2,25 мартани ташкил қилди. Ультрокс ва Биомайса олган гуруҳларда УХСнинг пасайиш кўрсаткичлари ўхшаш бўлганлигини таъкидлаш муҳим (1-жадвал).

1-жадвал

Экспериментал гиперхолестеринемияда липид алмашинуви кўрсаткичларига Биомайса ва ультрокс таъсири (n=6)

Кўрсаткичлар (мг/дл)	Назорат гуруҳ	Гиперхолестеринемияли ҳайвонлар	Даволашдан кейин		
			Ультрокс	Биомайса	Биомайса ва ультрокс бирга
УХС	71,8±0,78	295±1,45***	142±0,66	179±1,77***	131±1,2***
ТГ	14,6±0,6	28,1±0,36***	29,4±0,66*	37,3±0,54***	25,6±0,12***
ЗЮЛП ХС	26,7±0,98	17,8±0,8***	29,6±0,7	25,3±1,08*	34,8±0,75**
ЗЖПЛП ХС	2,92±0,07	6,98±0,15***	5,9±0,22	7,46±0,21***	5,12±0,68***
ЗПЛПХС	40,8±0,86	270,3±2,8***	106,7±0,68	146±1,88***	91,08±0,14***
АК	1,37±0,02	15,6±0,43***	3,83±0,14	6,16±0,12***	2,76±0,44***

Изоҳ: * - назорат гуруҳи кўрсаткичиларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - $P<0,05$, ** - $P<0,01$, *** - $P<0,001$)

Назорат гуруҳига нисбатан барча тажриба гуруҳларида препаратлар биргаликда 30 кун берилганида УХСнинг пасайиш даражасида 7,75-26,8% бўлган ($P<0,05$) ишонарли фарқ кўрсатилди, бу эса ультрокс ва Биомайсани биргаликда бериш холестеринни пасайтиришда яхши самарадорлигини кўрсатади. Шундай қилиб, ультрокс ва Биомайсанинг биргаликдаги таъсири ультрокс ва Биомайсанинг алоҳида таъсиридан кучлироқ бўлади.

ГХС ҳайвонларда триглицеридлар (ТГ) миқдорининг кўпайиши назорат гуруҳига нисбатан 1,92 марта ($P<0,005$) бўлиши аниқланди. Ультрокс билан даволаш ТГ миқдорини сезиларли ўзгаришига олиб келмади. Биомайса таъсирида ТГ миқдори 32,4%га ошди, ультрокс ва Биомайса биргаликда берилганида эса даволанмаган гуруҳга нисбатан 8,9%га пасайди. Келтирилган натижалар ультрокс ва Биомайса ҳамда уларни биргаликда бериш ТГ миқдorigа кўп таъсир этмаслигини кўрсатди. Олган маълумотларимиз Рагина Ю.И. ва унинг ҳаммуаллифларининг (2010) қуёнлардаги гиперхолестеринемия моделига симваглин антиатероген таъсирини ўрганишда олган маълумотларига мос келди.

ГХСли ҳайвонларда ЗЮЛП ХС миқдори назорат гуруҳига нисбатан 33,4%га пасайди. Ультрокс ва Биомайса олган гуруҳларда ЗЮЛП ХС ГХСли ҳайвонларга нисбатан 66,3 ва 42,1%га ошди. Шунини таъкидлаш керакки, препаратларни биргаликда киритиш ЗЮЛП ХС миқдорини назорат ва даволанмаган гуруҳларга нисбатан кўпроқ оширди ва 30,3 ва 95,5%ни ташкил қилди.

Тажрибавий ГХС ЗЖЛП ХСни 2,4 марта ($P<0,005$) ишончли ошишига олиб келади. Ультрокс билан даволаш ЗЖЛП ХС миқдорини 15,5%га пасайтирса, Биомайса унинг миқдорини даволанмаган гуруҳга нисбатан деярли ўзгартирмайди. Айнан шу пайтда ультрокс ва Биомайсанинг биргаликда киритилиши даволанмаган гуруҳга нисбатан ЗЖЛП ХС миқдорини 26,7%га камайтирди. Иш натижалари айрим фармакологик бирикмаларини комплекслаштириш фармакологик синергизм самараси ҳақидаги маълумотларни тасдиқлайди (Толстикова Т.Г., 2006).

Тажрибавий ГХС назорат гуруҳига нисбатан ЗПЛП ХС миқдорининг кўпроқ ошганлиги билан характерланди ($270,3\pm 2,8$ назоратда $40,78\pm 0,86$ мг/дл, $P<0,005$). Ультрокс ва Биомайса билан 30 кун давомида даволаш ЗПЛП ХС миқдорининг даволанмаган гуруҳга нисбатан 2,53 ва 1,85 марта пасайишига олиб келди. Шунини таъкидлаш лозимки, ультрокс ва Биомайсани биргаликда юбориш уларни алоҳида киритилишидан кўра самаралироқ бўлди ва ЗПЛП ХС миқдорини 2,97 мартага камайтирди. ЗПЛП ХС миқдори интакт гуруҳга нисбатан 2,23 марта ($P<0,005$) юқорилигини таъкидлаш зарур.


Атеросклерозда атерогенлик коэффицентини (АК) аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Назорат гуруҳида бу коэффицент $1,37\pm 0,02$ га тенг эди. Тажрибавий ГХС ушбу коэффицентнинг кескин ошишига олиб келди, яъни у назорат гуруҳига нисбатан 11,4 марта юқори. Ультрокс ва Биомайса АКни даволанмаган гуруҳга нисбатан 4 ва 2,5 марта пасайтирди. Ишлатилган дори

воситаларни биргаликда қўллаш даволанмаган гуруҳга нисбатан ушбу коэффициентнинг 5,6 марта пасайишига олиб келди.

Шундай қилиб, гиполипидемик хусусиятларга эга бўлган поликомпонентли биологик фаол модда яратиш нафақат липид алмашинувининг енгил кўринишидаги бузилишларда қўллаш, балки статинлар билан биргаликда улар дозасини, демак, улар зарарини камайтириш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги билан ҳам долзарб ҳисобланади.


Иккинчи гуруҳда апо В миқдори ўртача $179 \pm 1,59$ мг/дл, яъни нормадан 2,2 марта ортди, апо В фракциясини апоВ-100-рецептор эндоцитознинг ва хужайраларга ЗЖПЛП киритилиши бузилишини кўрсатади (Zheng C. et al, 2010) ва гипертриглицеридемияни шакллантиради.

Тадқиқот натижлари 3 ва 4-гуруҳларда Апо В миқдори 2-гуруҳга нисбатан 1,37 ва 1,13 марта пасайганини кўрсатди. 5-чи гуруҳда препаратлар биргаликда киритилганда 30 кундан кейин АпоВ даражасини назорат гуруҳига нисбатан 1,5 марта пасайишида ишонарли фарқ кузатилди, ультрокс билан Биомайсанинг биргаликда киритилиши ЗПЛП ХСнинг рецептор боғланиш самарасини пасайтирди (2-расм).



2-расм. Биомайса ва ультроксни экспериментал гиперхолестеринемияда Апо В (мг/дл) миқдорига таъсири (n=6)

Шундай қилиб, ультрокс ва Биомайсанинг биргаликдаги таъсир кучи ультрокс ва Биомайса алоҳида киритилганлигига нисбатан юқоридир. Ультрокс ва Биомайсани биргаликда киритиш Апо В сақловчи липопротеинларнинг рецептор қамровини кучайтиради, деб тахмин қилиш мумкин.




3-расм. Экспериментал гиперхолестеринемия ривожланган қуёнларда ТГ/Апо В нисбатига Биомайса ва ультрокснинг таъсири

Назорат гуруҳи ҳайвонларида ТГ/Апо В нисбати 0,18ни ташкил қилди. Қуёнларга 2 ой давомида холестерин киритилганда ТГ/Апо В нисбати назорат гуруҳига нисбатан 16,7%га пасайди (3-расмга қаранг). Ультрокс ва Биомайса билан даволаш ТГ/Апо В нисбатининг ошишига олиб келди, энг кўп ошиш Биомайса билан даволанган ҳайвонлар гуруҳида кузатилди. Ультрокс ва Биомайса билан даволашда ТГ/Апо В нисбатинг тажрибавий гиперхолестеринемияли ҳайвонларга нисбатан 53,3 ва 60% га ошди. Бир вақтни ўзида ультрокс ва Биомайса қабул қилган ҳайвонлар гуруҳида ТГ/Апо В нисбатини ошиши бу препаратларни алоҳида олган ҳайвонларга нисбатан камроқ бўлиб, тажрибавий гиперхолестеринемияли ҳайвонларга нисбатан 46,6%ни ташкил этди.


Шундай қилиб, гиперхолестеринемиянинг ривожланишида липопротеинларни триглицеридлар билан тўйиниш даражаси интакт гуруҳ ҳайвонларга нисбатан пасаяди. Ультрокс ва Биомайса билан даволаш тажрибавий гиперхолестеринемияли ҳайвонлар жигарида триглицеридлар билан тўйинган липопротеинлар ишлаб чиқаришнинг ошишига олиб келади.

Биомайса киритилган гиперхолестеринемияли ҳайвонлар қон зардобидаги айрим ёғ кислоталар миқдори таҳлил қилинганда, Биомайса қабул қилмаган назорат гуруҳидаги ҳайвонларга нисбатан тўйинган ва монотўйинмаган ёғ кислоталар (пальмитин, пальмитолеин, стеарин ва олеин) тегишли равишда 46, 64, 37,7 ва 20,0%га камайганлигини кўрсатди (4-расмга қаранг). Аксинча, кўп тўйинмаган ёғ кислоталар (линол ва линолен) мос равишда 29 ва 141% га ошди. Гиперхолестеринемия ривожланган ҳайвонларда Биомайсанинг қўлланилиши тўйинган ёғ кислоталар миқдорини сезиларли равишда камайтирди, линол ва линолен каби кўп тўйинмаган ёғ кислоталар миқдорининг ошишига олиб келди.




4-расм. Экспериментал гиперхолестеринемия ривожланган хайвонларда Биомайса қабул қилгандан сўнг қонда ёғ кислоталари хроматограммаси

Тажрибавий гиперхолестеринемияли қуёнларни Биомайса билан даволашда жигар тўқимасининг морфофункционал ҳолати оптимал ҳолатга келди, бироқ гепатоцитларнинг ўчоқли сийраклашиши ва аҳамиятсиз перипортал яллиғланиш инфильтрациясидан ташқари (5-расмга қаранг) ҳеч қандай патоморфологик ўзгариш кузатилмади.



5-расм. Жигар паренхимасининг нормаллашуви, веналарнинг меъёрий кенгайиши. Бўяш Г-Э. Кт: ок 10.объект 10.


Марказий вена ҳам оптимал ҳолатда, унинг девори юпқа, дистрофия ва яллиғланиш белгиларисиз. Фақат марказий вена атрофидаги айрим гепатоцитлар цитоплазмаси катта бўлмаган ёрқин вакуолаларни сақлайдилар. Синусоидлар ва Диссе фазоси ҳам ҳеч қандай патологиясиз меъёрий кенгайган. Фақат Купфер хужайраларининг аҳамиятсиз дистрофияси қайд этилган. Портал трактлар ва уларнинг томирлари яхши аниқланди, уларнинг деворлари юпқа, хужайравий инфильтрация ва склерозсиз, марказий вена биров кенгайган, қон билан тўлган, девори фақат бир қатор эндотелиал хужайралардан иборат. Жигар балкалари текис, марказий венага нисбатан радиал жойлашган. Жигар хужайралари деярли бир хил ўлчам ва бўйлишга эга, улар ядролари хужайра марказида жойлашган ва айлана шаклига эга. Гепатоцитлар орасида икки ядроли ва кенг цитоплазмали хужайраларнинг кўпайиши қайд этилади. Бу гепатоцитлар цитоплазмасида ёғ томчилари йўқ, лекин майда донали эозин билан қизил рангга бўйланган оксил массаси юзага келди (6-расмга қаранг).



6-расм. Триадалар атрофида биров лимфоид инфильтрация, икки ядроли гепатоцитларнинг катталашуви Бўйш: Г-Э. Кт: ок 10, объект.10.

Биомайса билан даволаш жигарга самарали таъсир этди, ҳеч қандай патология ривожланмади, жигар тўқимаси оптимал морфофункционал ҳолатга келди. Ультрокс ва Биомайса билан биргаликда даволашда жигар тўқимасида паренхиматоз ёғ дистрофиясининг катта бўлмаган ўчоғи сақланиб қолганлиги қайд этилди. Бунда жигар тўқимасининг учинчи функционал соҳасида гепатоцитлар ёғ дистрофиясининг ўчоқлари борлиги аниқланди. Айрим гепатоцитлар цитоплазмасида ёғ томчилари борлиги ҳисобига шишиб қолган гепатоцитларнинг асосий массасида липид

томчилари бўлмайди, лекин цитоплазмасида гидропик дистрофия ҳисобига шиш сақланган. Синусоидлар ва Диссе фазоси торайган, купфер хужайралар босилган, пролифератив фаоллик йўқ. Марказий вена кенгайган, унинг деворлари фибриноид шиш ва базал мембрана плазморагияси ҳисобига қалинлашган, бундай жараён атрофдаги цитоплазма майда доналик, эозинофил, икки ядроли гепатоцитлар учрайди. Марказий вена бироз кенгайган, тўлиқ қонли, девори юпқа, гипертрофиялашган ядроли эндотелиал хужайраларнинг бир қатламидан иборат (7-расмга қаранг).



7-расм. Марказий венанинг кенгайиши, Купфер хужайраларнинг гипертрофияси. Бўяш. Г-Э. Кт: окТО, объект, 40.

Бу сериядаги айрим ҳайвонлар жигарида жигар тўқимасининг 2 ва 3-функционал зонада жойлашган ва ёғ дистрофияли оз миқдордаги гепатоцитларнинг сақланганлиги қайд этилди. Бу ерда ҳам гепатоцитлар цитоплазмасида гидропик дистрофия бор. Гепатоцитларда сув дистрофияси цитоплазманинг перинуклеар зонасида жойлашган бўлади. Шу сабабли айрим гепатоцитлар ядролари кариопикноз ва кариолизис ҳолатида бўлади. Марказий вена ҳам кенгайганлигича қолган, унинг девори плазморагия ва склероз ҳисобига янада қалинлашган, бунда склероз жараёнининг синусоидлар деворига, жигар паренхимаси ичига кириб бориши ҳам қайд этилади.

Шундай қилиб, ультрокс ва Биомайса билан биргаликда даволашда жигардаги морфологик ўзгаришлар фақат учинчи морфофункционал соҳада дистрофиянинг минимал белгилари, триадалар йўналишида сезиларсиз яллиғланиш ва склеротик жараёнлар билан характерланади, жигар тўқимасининг умумий гистоархитектоникаси эса оптимал морфофункционал ҳолатга келди.

ХУЛОСАЛАР

«Экспериментал атеросклероз ривожланишининг молекуляр механизмларига Биомайсанинг таъсири» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидагилар хулоса тақдим этилди:

1. 0,5 мг/кг дозада статин ва 142 мг/кг Биомайса билан монотерапия қўлланда УХС ва ЗПЛП миқдори статистик жиҳатдан анчагина пасайди. Препаратларни биргаликда қўллаш сезиларли даражада ЗПЛП, ЗЖПЛП холестеринни ва умумий холестерин миқдорини даволанмаган гуруҳга нисбатан пасайтирди, бу уларнинг гипохолестеринемик таъсирини кўрсатди.

2. Ультрокс ва Биомайса билан даволаш Апо В миқдорини назорат гуруҳига нисбатан ҳаққоний равишда пасайтирди. Препаратлар биргаликда қўлланда Апо В миқдори даволанмаган ва монотерапия олган гуруҳларга нисбатан ҳаққоний равишда камайди.

3. Гиперхолестеринемияли ҳайвонлар қон зардобидидаги ёғ кислоталар таркибининг таҳлили пальмитин, пальмитоолеин, стеарин ва олеин каби тўйинган ва монотўйинган ёғ кислоталар миқдорининг интакт гуруҳ ҳайвонларига нисбатан ортганлигини кўрсатди. Айни вақтда, линол кислотаси миқдори 20%га тегишли равишда пасайган.

4. Биомайса киритилган гиперхолестеринемияли ҳайвонлар қон зардобидидаги айрим ёғ кислоталар миқдори Биомайса қабул қилмаган назорат гуруҳидидаги ҳайвонларга нисбатан тўйинган ва монотўйинмаган ёғ кислоталар (пальмитин, пальмитоолеин, стеарин ва олеин) тегишли равишда 46, 64, 37,7 ва 20 %га камайган. Аксинча, кўп тўйинмаган ёғ кислоталари (линол ва линолен) мос равишда 29 ва 141% га ошган. Натижада, гиперхолестеринемия ривожланган ҳайвонларда Биомайсанинг қўлланилиши тўйинган ва кўп тўйинмаган ёғ кислоталар миқдори меъёрлашган.

5. Тажрибавий ҳайвонлар жигаридидаги морфологик ўзгаришлар гиперхолестеринемиянинг 90-кунига келиб, гепатоцитларнинг колликвацион некрозли ёғ ва оқсил дистрофияси, минимал фаол бўлган гепатит ва жигар фибротизациясининг бошланғич кўринишлари билан характерланди.

6. Ультрокс ва Биомайса билан биргаликда даволашда жигардидаги морфологик ўзгаришлар яхшиланди, бўлақларнинг фақат учинчи морфофункционал соҳасида дистрофиянинг минимал белгилари, триадалар йўналишида меъёрий яллиғланиш ва склеротик жараён билан характерланди; жигар тўқимасининг умумий гистоархитектоники эса оптимал морфофункционал ҳолатга келди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АЗИЗОВА ДИЛЗОДА МАРАТОВНА

**ВЛИЯНИЕ БИОМАЙСА НА МОЛЕКУЛЯРНЫЕ МЕХАНИЗМЫ
РАЗВИТИЯ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОГО АТЕРОСКЛЕРОЗА**

03.00.01 – Биохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ (PhD) ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ– 2019

Тема диссертации (PhD) доктора философии по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/Tib603

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tma.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный консультант:

Сабилова Рихси Абдукадировна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Юлдашев Носир Мухамеджанович
доктор биологических наук, профессор

Ишигов Ибрагим Агаевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский Государственный стоматологический институт

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2019 года в «_____» часов на заседании Разового Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби, 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail.tma2005@mail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (регистрационный номер №_____). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби, 2. Ташкентская медицинская академия, 2-й учебный корпус «Б» крыло, 1-й этаж, 7-й кабинет. Тел./факс: (+99871) 150-78-14.

Автореферат разослан «_____» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от «_____» _____ 2019 года).

Г. И. Шайхова

Председатель Разового научного совета по присуждению
учёных степеней, д.м.н., профессор

Н. Ж. Эрметов

Учёный секретарь Разового научного совета по присуждению
учёных степеней, д.м.н., доцент

Р. Д. Усманов

Председатель Разового научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Атеросклероз - хроническое заболевание, которое развивается вследствие реактивной пролиферации и разрастанием соединительной ткани в интиме сосудов в ответ нарушения липидного обмена и накопления холестерина в интиме крупных и средних артерий. Сердечно-сосудистые заболевания (ССЗ), особенно ишемическая болезнь сердца (ИБС), остаются самым распространенным заболеванием во всем мире. «...более 50% смертности выпадает на долю именно этой патологии. Особую тревогу вызывает то, что значительно увеличивается частота заболеваемости и смертности лиц молодого и трудоспособного возраста»¹. Поэтому мероприятия, направленные на профилактику ССЗ, имеют общегосударственное значение. Разработка высокоэффективных методов профилактики, доклинической диагностики и терапии атеросклероза пока ещё актуальная и трудно решаемая научная и медико-социальная задача. Совершенно очевидно, что гиперхолестеринемия превратилась в глобальную неинфекционную эпидемию. Поэтому, применение биологически активных добавок при лечении ССЗ, и оценка их действия на биохимические показатели настоятельно требует своего решения.

В мире проводятся исследования эффективности воздействия биологически активных добавок на молекулярные механизмы развития экспериментальной гиперхолестеринемии. Но, к сожалению, многие аспекты этого процесса полностью не раскрыты. Особенно важными являются вопросы изучения состояния показателей липидного обмена; содержание апопротеина В и жирнокислотного состава крови в динамике развития экспериментального атеросклероза и влияние Биомайсы на эти показатели; изучить морфоструктурные изменения печени в динамике развития экспериментального атеросклероза и при коррекции Биомайсой.

На сегодняшний день в нашей стране для развития медицинской сферы по мировым стандартам, снижения уровня различных соматических заболеваний в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан № УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному усовершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» определены следующие задачи «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, а также создание системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счет создания эффективных моделей патронажа и диспансеризации...»². Эти задачи дают возможность снижения уровня распространения заболеваемости сердечно-сосудистой системы и инвалидности за счет улучшения использования современных технологий в предоставлении качественных меди-

¹ Оганов Р.Г. Профилактика сердечно-сосудистых заболеваний врача общей практики. Кардиология Узбекистана 2006;(1):17-20

